



ФАРФОНАГА  
БИР КЕЛИНГ

3

АЁЛЛИК, ОНАЛИК —  
ЭНГ ОЛИЙ МАРТАБА



4



ИНСОНИЯТНИНГ  
ИЛК МУРАББИЙЛАРИ

5

6

«САРАТОН»НИ  
ЕНГАН АЁЛ



## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Муҳаммад КАРИМ  
сурат-лавҳаси.

**Барибир, ўзимизнинг боғда пишган  
мевалар ширин-да!**

**ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:**

«Мустақиллик дarsi» билан бошланган сабоқлар .....	2
Онаси бор одамлар ҳеч қачон қаримайди .....	5
Салом-алик — энг мураккаб ишми? .....	7
Фарзандликка олиш... суд орқали бўлади! .....	8

**ҲИКМАТ**

Яхшилар кетидан  
агар чопарсан,  
Истагинг, бахтинг-  
ни шунда топарсан.  
Саъдий ШЕРОЗИЙ

## АССАЛОМ, МАКТАБ!

Куни кеча мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида "Мустақиллик дарси" билан бошланган янги ўқув йилида 1-синфга қабул қилинган 528 972 нафар ўқувчига "Президент совғаси" сифатида 12 номдаги ўқув қуроллари ва ўқувчи сумкасидан иборат совғалар тантанали суратда топширилди.

"Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида ўтказилган илк сабоқларда истиқлол фарзандлари қалбига миллий ўзликни англаш, энг улугъ бойлигимиз — Ватанимиз мустақиллигини асраб-авайлаш ва қадрлашдек бебаҳо туйғулар сингдирилди.

Айни пайтда республикамизда 9765 та мактаб фаолият кўрсатмоқда.

2013 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, мавжуд 381 мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилганлиги эътиборга лойиқдир.

Янги ўқув йили учун режалаштирилган 394 номдаги 22,5 миллион нусха дарслик ва ўқув қўлланмалари тўлиқ чоп этилиб, таълим даргоҳларига етказиб берилди.

\*\*\*

Иккинчи сентябрь куни эрта тонгдан Қарши шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактаби ҳовлиси ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ва меҳмонлар билан гавжум бўлди. Янги ўқув йилига бағишланган тадбирни мактаб директорининг ўринбосари Турсунной Одилова очиб, «Билимлар куни» билан барчани табриклади. Ўзбекистон Республикаси мадҳияси янграб, юртимиз байроғи ҳилпиради. Қарши шаҳар ҳокими Акмал Очилов, Қарши шаҳар халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва

ташқил этиш бўлими бошлиғи Носир Каримов ва тадбирда иштирок этган ота-оналар тўпланганларни ушбу байрам билан самимий кулашди. Мактаб директори Зебунисо Турсунваннинг таъкидлашича, мазкур илм масканида 2160 нафар ўқувчи бўлиб, уларга 106 нафар ўқитувчилар фан сирларини ўргатади. Янги ўқув йилидан эса 280 нафар ўқувчилар биринчи синфга қадам қўйишиб, уларга Президент совғалари топширилди.

## Билимлар куни

Вилоят халқ таълими бошқармасидан олинган маълумотга кўра, воҳадаги 1118 та умумий ўрта таълим мактабидан 476889 нафар келажагимиз эгалари таълим-тарбия олиб, уларга 51251 нафар ўқитувчилар сабоқ бери-



шади. Илк ўқув юртларини тугаллаган 290 нафар ёш мутахассислар янги ўқув йилидан вилоят мактабларида иш бошлади. 54951 нафар кичкинтойлар бу йил илк мартаба мактаб оstonасига қадам қўйдилар.

**Жамшид СУЛТОНОВ.**  
Қаشقадарё вилояти.

## МАНЗУРАНИНГ МАНЗУР ИШЛАРИ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманига қарашли "Янги обод" маҳалла фуқаролари йиғини раиси Манзура Валиеванинг ишонаси ҳамда уйига қулф осилганини кам кўраман. Негаки, бу тиниб-тинчимас аёл ҳар куни одамлар орасида, ҳали у, ҳали бу қувонч-ташвишлар билан банд.

Куни кеча мамлакатимизда кенг нишонланган Мустақиллик байрами арафасида ҳам Манзура опани топиш мушкул бўлди. У маҳалла фаоллари билан бирга шу ҳудудда яшовчи кам таъминланган оилалар, боқувчисиз, ногирон ва кекса отахон-онахонлар ҳолидан хабар олди, кўнгил сўради, моддий кўмак улашиб чиқди.

Манзура опа фуқаролар йиғини раислигига сайланганида айримлар аёл боши билан шундай мураккаб вазифани эплармикан, дея иккилангани ҳам рост. Лекин вақт ҳақамлигини исботлади — катта ишончни оқлашга маҳкам бел боғлаган Манзура опани кўпчилик қўллаб-қувватлади. Бундан руҳланган раиса бор куч-гайратини ишга солди. Биринчи навбатда шу ҳудуддаги кўчаларни қайтадан таъмирлашда, новвойхона, гўшт дўкони, "Гўзал



Қосимовларни ҳам фахр билан тилга олсак арзийди.

**Абдувоҳид РАЗЗОК ўғли.**

## Маҳалладан бошланар Ватан

лик салон"лари фаолиятини йўлга қўйишда бош-қош бўлди. Айниқса, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, умум-халқ хайри ҳаётларида маҳалла аҳлининг фаол иштироки этишини таъминлашда жонбозлик кўрсатди.

Кувонарлиси, Манзура Валиеванинг жонкуярлиги туйғайли маҳалламизда баъзан учраб турадиган оилавий низолаб барҳам топа бошлади. Шунингдек, фарзандларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни касб-хунарга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилди. "Ораста қизлар" тўғараги жонланди. Эътиборли жиҳати, ҳудудда жиноятчилик кўрсаткичлари кескин қисқарди. Бу борада маҳалла ноэри, милиция майори Шокиржон Жумаевнинг ҳам саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор.

Ҳа, халқимиз "Иш билганга — минг танга" дея бежиз айтмаган. Фидойи раисага кўш қанот бўлаётган маҳалламиз фаолларидан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Саодатхон Зуфарова, Инобатхон Турсунова, Умидахон Халилова, нуруний отахонлар Рихсивой Зокиров, Содикжон

## КЕЛАЖАГИ КАФОЛАТЛАНГАН АВЛОД

Мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг деярли 40 фоизини ташкил этади. Юртимизда ҳар тарафлама баркамол авлодни тарбиялаш, етук кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Улар ўз иқтидорини тўла-тўқис намоён этишлари учун имкониятлар яратилмоқда. Ёшларга бўлган алоҳида эътибор миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топган. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га кўра, юртимизда кўплаб ўқув бинолари, замонавий мактаблар бунёд этилди, умумтаълим муассасалари реконструкция қилиниб, капитал жиҳатдан таъмирланди.

Бугун дунёда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири давом этаётган бир паллада бизда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ҳар йили яппи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи ва давлат бюджети ха-

ражатларининг 35 фоизи йўналтириладигани эътиборга лойиқдир. Энг муҳими, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш учун сарфланаётган бу маблағларга ҳаражат деб эмас, келажакка қўйилган сармоя сифатида қаралмоқда. 2012 йил 17 февраль куни "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti" мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципиал хусусияти аввало шундаки, умумтаълим мактабидега 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунаро коллежлари ва академик лицейларда тахсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳ-

нат бозоридан талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-хунароларни ҳам эгаллайди" дея алоҳида таъкидлаб ўтилганлиги ҳам бежиз эмас.

Мажбурий 12 йиллик таълим таълимийнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этиш мақсадида зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база шакллантирилган. Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 9-синф битирувчиларининг деярли юз фоизи академик лицей ва касб-хунаро коллежларида таълим олишга жалб этилмоқда. "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида умумий ўрта таълим мажбурийлиги, 30-моддасида эса ота-оналар (қонуний вакиллари)нинг вояга етмаган фарзандларини умуммажбурий ўн икки йиллик таълим олишлари учун жавобгарлиги белгиланган бўлган.

Жамиятнинг ҳар бир ёш авзоси замонавий билимларни чуқур эгаллаш билан бирга, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, баркамол, иродаси мустаҳкам, иймони бақувват бўлиши лозим.

**Эътиборхон БҮРОНОВА,**  
Тайлоқ туман ФХД  
бўлими мудир.

## Жарён

## ҲАЁТИЙ САБОҚЛАР

Ўзбек оиласи ҳеч қачон маҳалладан айри ҳолда яшаган эмас. Маҳалла — халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда ўзига хос институт вазифасини бажармоқда. Кексаларнинг панд-насиҳатлари, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжихатлиги мисолида кишилар онгига эзгулик гоёлари сингдирилиб келинган. Бугунги замонавий ўзбек оиласи жаҳонда содир бўлаётган барча ижобий ўзгаришлардан ўз вақтида бохабар бўлиб бормоқда. Ёш оилалар ўз вақтида илмий янгиликларни эшитиб, англаб, тушуниб олаётгани уларнинг замон билан ҳамнафас яшаётгани фарзандлар тарбиясида ўз аксини топади.

Бугунги кун фарзандлари барча замонавий техникалардан фойдаланишда ота-оналаримиздан кўра фаолроқ иштирок этмоқда. Интернетдаги турли сайтлардан ёки порталлардан осонлик билан фойдаланиб, тезкор мулоқотларга киришишмоқда. Бола ўқув муассасасида ўз ўқитувчиси, уйда ота-она назоратида бўлишини яхши билади. Аммо интернет сайтларида у ўзини бир мунча эркин сезади. Айниқса, ота-онани интернетдан фойдаланиши билмайдиган бола бирор сайт ёки порталда бошқалар билан мулоқотга киришганида ўз-ўзидан назоратдан холи бўлади. Бундай мулоқот чоғида тил меъёрларига риоя қилиш талаб этилмайди, орфографик хато учун паст боҳо қўйилмайди, мазмун ҳам шунга яраша. Бир қарашда бу ҳолат унчалик жиддий муаммо эмасдек кўриниши мумкин, бироқ кичик хатоларнинг доимий такрорланиши одатга айланиб, фарзандларимиз она тилимиз меъёрий қоидаларини билмайдиган чаласаводга айланиши ҳеч га эмас. Бундай ҳолатнинг олдини олиш чораларидан бири — ота-оналаримизнинг ҳам интернет ва компьютер саводхонлигини ошириб боришда, деб ўйлайман. Шунингдек, миллий сайтларимизни янада кенг ва тўғри татбиқ қилиб, соҳа ривожига барчамиз масъулиятни ўз зиммамизда деб билишимиз керак.

**Муножат ВАЛИЕВА,**  
санъатшунос.

**Бугун юртимиз бўйлаб ажиб шукуҳ кезмокда — энг улуг, энг азиз байрамимиз — юртимиз мустақиллигининг 22 йиллик тантанасини кенг нишонлаёмиз. Водийнинг гавҳари — Фаргона истиклолнинг янги санасига янгиланаётган қиёфада кириб бормокда.**

Мухтарам Президентимиз 2011 йили Фаргонага ташриф буюрганларида, шаҳарда улкан бунёдкорлик ишларига асос солган эдилар. Юртбошимизнинг «Фаргона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси бугун шаҳримизнинг ҳар қаричида ўз ифодасини топмокда. Бутунлай ўзгача, гўзал қиёфа касб эта бошлаган Фаргона кўз ўнгимизда шаҳарсозликнинг замонавий ва миллий анъаналарини ўзида мужассам этган бетакрор маъмурий-маданий марказга айланаётир. Эскирган бинолар бузилиб, янгилари қад кўтармокда. Шаҳарнинг кўҳна қиёфасига энг сўнгги андозаларда сайқал берилмокда. Ҳа, Фарғонада тарихий давр бошланди. Беназир табиати, хушхаво иклими билан донг таратган муаззам гўша гўё узок уйдудан кейин янги қиёфада уйғонаётир...

Энг муҳими, одамларнинг кайфияти кўтаринки. Фарғонанинг самимий, меҳнаткаш халқи шаҳарни юксалтириш ишларига жону дили билан қарматса бўлмокда. Қаёққа қараман, яратувчанлик истагида энг шимариб ишлаётган кишиларни кўрасиз. Усталарнинг қўли қўлига тегмайди, йўлсозларда тиним йўқ. Катта-ю кичикнинг мақсад-матлаби битта — **ОБОДЛИК!** Шаҳарсозлар сафида кўнгилли ёшларнинг сони кундан-кунга ортиб бормокда.

Юрар йўли кенгайиб, уйи ярақлаётган, узоғи яқин, оғири энгил бўлаётган одам гайрат қилмай бўлар эканми? Бу гайрат ҳам, аслида, ватанпарварлик, юртнинг порлоқ келажагига дахлдорлик ҳиссининг бир кўриниши.

# ФАРҒОНАГА БИР КЕЛИНГ

Инсон онг-шуури билан интилиб, қалбан истаб меҳнат қилса, оддий ишни ҳам санъат даражасида бажара олади. Бугун ҳар бир фарғоналик ўз шаҳрининг санъаткори, меъморига айланган. Юртни обод қилиш, яратиб-яш-



натиш истаги одамларнинг руҳиятини юксалтирган. Бугун серкуёш шаҳарнинг ҳар бир фуқароси яна бирикки йил ичида бу масканнинг қанчалар ўзгариб, гўзаллашиб кетишини аниқ тасаввур қила олади.

Ўзгаришлар эса кўп: беш режа лойиҳасида шаҳарда минг ўринли «Санъат саройи» ҳамда лазерли шулар ўтказишга мўлжалланган 500 ўринли амфитеатр, рангли-муслиқали фавворалар, кузги-бахорги даврда фаолият кўрсатадиган аквариум, 60 дан зиёд ҳар томонлама қулайликларга эга турар-жой бинолари ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, янги болалар боғчалари, спорт мажмуалари, 20 минг томошабинга мўлжалланган футбол стадионини барпо этиш ва яна бир қанча аҳоли турмуш фаровонлигини оширувчи тадбирлар белгилаб қўйилган. Юқоридаги иншоотларнинг бир нечаси Мустақиллик байрамингача битка-

зилиб ишга туширилгани янада қувонарлидир. Энг муҳими — ушбу санъат-ҳаракатларнинг барчаси унинг марказида турган ИНСОН манфаатлари, унинг эртанги кунни, порлоқ келажаги учун қилинаётир.

Марказдаги шиддатли бунёдкорлик вилоятнинг барча гўшаларида ўз аксини топмокда. Чекка қишлоқлардаги равон йўллар, маданий-маърифий иншоотлар, баркамол авлод тарбиясига хизмат қилувчи мажмуаларни кўриб, дил яйраб кетади. Айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида қурилаётган замонавий услубдаги уй-жойлар одамларнинг айна кўнглидагидай, ундан-да зиёда бўлаётир.

Фаргона ўзининг бетакрор табиати туфайли азалдан жаннатмакон дея таърифлаб келинади. Шу соф ҳилқатни асраш, табиатини янада бойитиш масаласи ҳеч вақт эътибордан четда қолмаган. Бош режада шаҳарнинг ландшафти, яъни табиий жойлашуви, келгусида атроф-муҳит мусавволигини таъминловчи шарт-шароитларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, истироҳат боғларини барпо этиш, водий иқлимига мос манзарали дарахт кўчатларини ўтказиш, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи корхоналарни ҳудуддан кўчириш каби экологик муҳим жиҳатлар белгилаб қўйилган. Шаҳар табиатининг янада кўркам бўлиши, соя-салқинлиги ва ҳавоси тозаллигини таъминлаш мақсадида беш минг тупдан зиёд каштан, эман, япон сакуриси, каталфа ва игна баргли дарахтлар экилиб, парвариш қилинмокда. Аксарияти янги дарахт навлари бўлган ушбу кўчатлар келгусида шаҳарнинг тубдан ўзгарган қиёфасига янада кўрк, тароват бахш

## Обод манзиллар



этноги шубҳасиз. Бир сўз билан айтганда, Юртбошимизнинг Фарғонага бўлган юксак эътибори тимсолида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳримиз нафақат сайқал топади, балки экологик барқарорлик сари катта қадам ташлайди.

Бу ҳали улкан ишларнинг бошланиси. Бугунги ўзгаришлар шаҳарнинг замонавийлашиши, чирой очишигина эмас, том маънода ҳаётнинг фаровонлашишига хизмат қилади. Эртага бу иншоотларда янги иш ўринлари яратилади, қанчадан-қанча одамлар иш билан банд бўлади. Ҳозирданок чет эл сармоядорларининг Фарғона билан қизиқиби келаётганидан ҳам маълумки, бизни катта режалар кутяпти.

Ҳозирча шаҳарнинг янги орази айрим лавҳалардагина намоён бўлмокда. Бу гўзаллик лавҳалари бирлашиб, бор бўйи билан яхлит кўриниш берганида жонажон масканимиз қанчалар кўркам бўлишини тасаввур қилишини ўзи дилга ҳузур бағишлайди. Фарғонага б-и-р келарсиз ўшанда. Келинг, Сизни гўзал ва мухташам шаҳар кучок очиб кутиб олади!

**Гулчехра АСРОНОВА,**  
«Оила ва жамият» муҳбири.  
Фарғона вилояти.

Ватанимиз истиклолнинг 22 йиллик шодиёналарни нишонланган шукуҳли кунларда Наманган вилояти Уйчи туманида «Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи қолибларини ва мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги муносабати билан вилоятнинг бир гуруҳ фаол аёлларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. «Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» гоёсини ўзида мужассам этган тадбир ҳақиқий байрамона тантана тусини олди.

Ҳаяжонли лаҳзалар бошланди. «Энг намунали маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» номинацияси бўйича Наманган шаҳридаги «Ҳақиқат» МФЙ бошланғич хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдуллаева, «Энг намунали мактаб хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» номинацияси бўйича Чортоқ туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич хотин-қизлар кўмитаси ра-

иси Мавлуда Хўжаева, «Энг намунали касб-ҳунар коллежи ва академик лицей хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» номинацияси бўйича Чортоқ тиббиёт касб-ҳунар коллежи бошланғич хотин-қизлар кўмитаси раиси Ниго-

биёт бирлашмаси бошланғич хотин-қизлар кўмитаси раиси Ҳилола Солиева, «Энг намунали корхона хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» номинацияси бўйича эса Турақўрғон тумани «Хунарманд» уюшмаси бошланғич хотин-

## ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПГАНЛАР



ра Ҳақимова, «Энг намунали олий ўқув юрти хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» номинацияси бўйича Наманган муҳандислик педагогика институти бошланғич хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзура Худойбердиева, «Энг намунали тиббиёт муассасаси хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» номинацияси бўйича Уйчи тумани тиб-

қизлар кўмитаси раиси Хуршида Ҳайитбоевалар қолиб деб топилди, улар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Мен ҳам бир гуруҳ фаол аёллар қаторида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланганимдан ниҳоятда қувондим, — дейди **Чуст тумани Карнон ҚВП мудири Ақил-**

**аби Қўлдашева.** — Мамлакатимизда меҳнат қилган, эл-юрт равнақи йўлида хизмат қилаётган инсон борки, эъзоз ва эътиборда. Айниқса, биз

бажариб келяпман, — дейди **Учқўрғон туманидаги 26-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Гавҳарий Ҳўрзова.** — Мактабимиз педагогик жамоасининг 48 нафари хотин-қизлардан иборат, ўқувчиларнинг 278 нафари қизлар. Таълим даргоҳимиз бошқаларидан шуниси билан фарқ қиладики, бу ерда турли миллат вакилларининг фарзандлари кўпчиликини ташкил қилади. Бу биз педагоглардан катта масъулият талаб этади. Сифатли таълим бериш борабарида ўқувчилар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, бирдамлик туйғуларини қарор топтиришга ҳаракат қилаёلمиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элимира Боситхонова қатнашди ва сўзга чиқди.

**Аҳмаджон АДАШЕВ,**  
журналист.  
**Шахло ТОШБЕКОВА,**  
«Оила ва жамият»  
муҳбири.  
Наманган вилояти.  
Суратларни **Хотам МАМАДАЛИЕВ** олган.

# АЁЛЛИК, ОНАЛИК — ЭНГ ОЛИЙ МАРТАБА

— Хўш, рўзгор, фарзанд тарбиясидан ортиб, жиддий илмий фаолият билан машғул бўлаётган бу аёл учун шунча юмушларни уқдалаш қийин кечмаяптими?

— Тўғриси айтсам, ёшлигимдан шифокор бўлган деб ният қилардим, дейди Дилфуза опа суҳбатимиз аввалида. — Кўпинча хола-аммаларим йиғилган даврда мавзу совчиликка бориб тақалса, келиним шифокор бўлса яхшийдими-да, ҳаммамизга фойдаси тегарди, деган гап-сўзларни эшитиб қолардим. Ўйлаб қарасам, ростдан ҳам дўхтир деганининг барчага нафи тегаркан.

Шу боис ҳам тиббиёт инсти-тутига кириш учун биология фанини астойдил ўқидим. Амаким Турсункул Эгамбердиев география соҳаси бўйича кўпгина



янгиликлар яратган, қолаверса, Ўзбекистон харитасини яратишда ҳам муносиб ҳисса қўшган олим. Ёшлигимда уларникига тез-тез борардим. Академиклар, ёш олимлар, шогирдлари тез-тез келиб туришар, уларга нон-чой олиб кирганимда илмий изланишлар ҳақидаги фикрлари, баҳс-мунозаралари менда қизиқиш уйғотарди. Улғайғач, Ўзбекистон миллий университетининг (аввалги ТошДУ) биология ва тупроқшунослик факультетида ўқишга кирдим. 1993 йилда ўқишни тамомлаб, Фанлар академиясига қарашли микробиология институтига кичик илмий ходим бўлиб иш бошладим. 1995 йилда Германиянинг Академик Алмашинув хизмати (ДААД) очилгач, мен илмий изланишларни давом эттириш ниятида ҳужжатларимни топширдим. Омадми келиб, Берлиннинг Гумбольдт университетига ўқишга кирдим. Германия қишлоқ хўжалик маркази профессори Гизела Хофлик хонимга шогирдликка тушдим. Машхур немис олимасидан, энг аввало, вақтдан унумли фойдаланишни ўргандим. “Экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яратиш биотехнологияси” бўйича бошлаган илмий ишимни муваффақиятли ҳимоя қилиб, Ўзбекистонга қайтдим. 3-4 йил ичида эрликка экин мақолаларим хориж матбуотида чоп этилганининг ўзи мени ниҳоятда руҳлантди ва илм йўли энг тўғри йўл эканлигини англаб

етдим.

— Танлаган мавзунгиздан сезиляптики, кўзлаган мақсадингиз ниҳоятда хайридир. Ана шу эзгу ниятларга қай даражада эришдим деб ўйлайсиз?

— Ишонасизми, мен ёшлигимда саратон хасталиги борлиги ҳақида кам эшитганман. Бу муҳиш дарднинг оқибати нақадар оғир эканлигини бугун ёш болалар ҳам яхши билди. Сир эмас, ҳозир бу касалликдан миллионлаб одамлар азият чеқмоқда, улар орасида ҳатто ёш болаларнинг ҳам борлиги мени кўп йиллардан бери ўйлантириб келарди. Тўғри, бутун дунё минг қисса саратоннинг олдини

олиш ва даволаш масаласида жиддий изланишлар олиб бориляпти. Лекин кўп йиллар давомида бедаво ҳисоблаб келинган бу касалликни келтириб чиқарувчи омиллар хусусида фуқаролар ўртасида профилактика ишлари суст олиб борилганлиги муаммонинг янада кенгроқ илдиз отишига олиб келди. Эътибор берайлик, мамлакатимизга хориждан кириб келаётган ялтироқ қутилардаги озиқ-овқатлар, мазали таъм берувчи маҳсулотлар, болаларни алдовчи “эрмак”лар (тез тайёр бўлувчи чипс, кириешки ва ҳоказо) нинг зарарли ва ҳатто хавфли эканлигини кўпчилик билса-да, аммо уни истемол қилишдан воз кечолмайди. Шу боис химиявий воситаларсиз биологик тоза маҳсулотлар яратиш бўйича Европада жуда катта ишлар амалга ошириляпти. Қишлоқ хўжалик экин далаларидаги унумдорликни табиий биологик воситалар билан кўтариш йўлга қўйилди. Чўл шароитида шўрланшига, курғоқчиликка, касалликларга чидамли бўлган ўсимликлар технологиясини яратдик. Менга ушбу иxtиром учун муаллифлик ҳуқуқи берилди. Биологик, яъни бактерия асосида ўсимликлар ўсишини стимулловчи, уларни турли замбуруғ касалликларидан ҳимоя қилувчи бактериал ўғит яратилди. Бу ўғит жуда кўп мамлакатларда ишлатиляпти. Докторликдан кейинги илмий ишимни Финляндиянинг Хельсинки, Италиянинг Флоренция, Англиянинг Манчестр универ-

ситетларида давом эттирдим. Ўзбекистондаги шўрланган, курғоқ ерларни яхшилаш бўйича Австриянинг Граз, Голландиянинг Лейден университетлари билан ҳамкорликда ишладик. Биз яратган биологик препаратдан Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятларидаги шўрланган ерлар унумдорлигини оширишда фойдаланиляпти. Натижа билан қизиқанимда ёпиқ иссикхоналарда помидор ва бодринг етиштиришда ҳосилдорлик ва сифат белгиси ўн фоизга ошгани аниқланди.

Ўзингизга маълумки, мамлакатимизда помидорга қишин-ёзин талаб катта.



**Дилфуза ЭГАМБЕРДИЕВА** — қишлоқ хўжалик фанлари доктори, ЮНЕСКОнинг илм-фан йўналишидаги Лореал мукофоти ва Дунё фанлар академиясининг қишлоқ хўжалиги мукофоти соҳибаси, Ўзбекистон Республикаси “Олима аёл” уюшмасининг халқаро алоқалар бўлими масъул ходими. Уч нафар фарзанднинг онаси.

миз. Аёлда иқтидор, хоҳишдан ташқари шароит ҳам бўлса, у кўзлаган мақсадига эришади. 2005 йил Австрияда ўтказилган халқаро конференцияда маъруза қилган бир хоним университет ректори бўлиш билан бирга, беш нафар боланинг онаси ҳам эканлигини билган журналистлар, сиз бундай натижаларга қандай эришяпсиз, деган саволни беришганида, у: “Жудаям катта сабр-қаноат билан”, деб жавоб берган эди...

— Онанинг илмий бўлиши болалар тарбиясида жуда муҳим омил ҳисобланади. Сизнинг бу борадаги тажрибаларингиз қандай самара беряпти?

— Катта қизим Амина 13 ёшда. Ҳозирданок унга «Катта бўлсанг, илм йўлидан борасан», деб уқтираман. Унинг ўзи ҳам саратоннинг олдини олиш бўйича янгилик яратишни орзу қилаётганини яширмайди. Тилини ўрганапти. Инглиз тилида чоп этиладиган “Science” (“Илм”) журналининг ҳар сонини ўқиб боради. Болалар онага қараб бўй рости экан. Фарзандларимни кузатаман, уларнинг ўртоқлари ота-онаси совға қилган қимматбаҳо телефон ёки ўйинчоқлар билан мақтанмишса, меникилар дунёда содир бўлаётган ҳар хил воқеалар, илм кишилари ҳақида гапиришади.

— Келгусидаги режаларингиз?

— “Олима аёллар” уюшмаси раиси Раҳбархон Муртазоева менга қўнғироқ қилиб, бирга ишлаш таклифини билдирганида қувондим. Бугун кўплаб шогирдларим Германия, Швецария, Америка мамлакатларида малака оширишяпти. Менинг назаримда, аёл кишини умр йўлдоши, суянган тоғи тўғри тушунаса, қўллаб-қувватласагина унинг очилмаган қирралари, иқтидорли юзага чиқади. Мен ҳар икки жиҳатдан ҳам бахтлиман десам арзийди. Аввало, яхши оилага келин бўлганман, бир-биримизни сўзсиз тушуна-

“Оила ва жамият”  
муҳбири  
Нигора РАҲМОНОВА  
суҳбатлашди.



**МАРДУМ** — “Мардум” сўзи тарихимизда “одамлар”, “кишилар” деган маънони англатган. Бу сўзнинг шаклидан кўриниб турибдики, у “мард” ва “ум” сўзларидан пайдо бўлган. “Мард” сўзининг маъноси ҳаммамизга маълум. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланмишча, “мардум” сўзидаги “ум” арабчада “оддий” деган мазмунни ифодалаган. Демак, “мардум” сўзининг туб илдизи “оддий мард”, “оддий киши” деган маънони англатади.

**Қаро кўзум, кел, эй, мардумлиг эмди фан қилгил, Кўзум қаросига мардум киби ватан қилгил.**  
Алишер Навоий

**МАРГАРИН** — мол ёғи, ўсимлик мойи ҳамда хушбўй ҳид берувчи бошқа моддалар аралашмасидан тайёрланган омихта ёғ маъносини англатган “маргарин” сўзи тилимизга асли юнон тилидан кириб келган бўлиб, унинг туб илдизи “садаф” деган мазмунни билдиради.

**Ойниса дўқондан гўшт, тухум, ун ва маргарин харид қилди-да, уйига шошилди.**

Журналдан

**КАПГИР** — тилимизда куюқ овқатларни қовлаш ва сузиш учун ишлатиладиган, тешик-тешик япа-лоқ кафтли рўзгор буюми “капгир” деб аталишини ҳаммамиз яхши биламиз. Хўш, бу сўзнинг туб илдизи қандай маънога эга? “Капгир” сўзининг туб илдизи “кафта тугувчи” деган мазмунни билдиради.

**Ойсут қозон устидаги капгирни олди-да, ҳил-ҳил пишган димламани тол товқоқа суза бошлади.**

Журналдан

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

**«Яхши одамлар кўпайсин десангиз, яхши оналарни кўпайтиринг», «Отанинг яхшилиги — тоғдай юксак, онанинг муҳаббати денгиздай чуқур бўлади»...**

Донишмандларнинг оилада ота-онанинг ўрни ва фарзанд тарбияси билан боғлиқ бундай ҳикматли сўзлардан кўлаб мисол келтириш мумкин. Аслида ҳам, болани тарбиялаш учун чуқур тафаккур, донолик талаб этилади. Баъзи ота-оналар эса кўпинча «тарбия» билан «маълумот» тушунчаларини чалкаштириб қўядилар-да, фарзандларига ҳаётдаги бир канча нарсаларнинг номини ўргатиб,

римнинг отаси камгап, ювош ва тўғрисўз инсон бўлиб, кўпроқ тилни эмас, ақлини ишлатарди. 43 йил бира яшаган бўлсак, бирор марта «сен-мен»га бормаганмиз. Раҳматлининг ўртоқлари: «Нафисани нега сира уришмайсиз?» дейишса, «Мени оқ ювиб, оқ тарайдиган аёлни нега уришай, аксинча, уни жуда ҳурмат қилман», деб жавоб берарди. Қайинукаларим ҳам мени «янга» деб эмас,

ларимга ҳаммининг ҳаваси келади. Болаларим ёмонларга қўшилмади. Уйга биров келса, хизмат қиларди, лекин кўзга кўринмасди. Бундан меҳмонлар, «Қандай тарбияли фарзандларингиз бор экан-а», деб хайрон қолишарди. Болаларимни саёқ юришга қўймас, доим дарс тайёрлаб, фойдали меҳнат билан банд қилишга уринарди. Ур калтак, сур калтак, қарғиш йўқ, улардан ширин сўзимни аямадим. Бугун эса ҳурматимни жойига қўйишмоқда. Бунинг ҳаммаси ўз вақтида берилган тўғри тарбиянинг ҳосили деб ўйлайман. Ҳозир нафақа оламан, шунга қарамай, болаларим доим «Пулингиз борми, қандай тансиқ овқат егингиз келяпти?», деб сўрашади. Ота-она учун кексайганда фарзандларининг меҳридан ортиқ муқофот борми?!

Чорсудаги 82-мактабнинг 7-синфини битираётганимда химияни сувдай ичар, ўқитувчим билан тенгма-тенг масалалар ечардим. Ушанда устозим Закифа опа «Сен, албатта, ўқитувчи бўласан» деганди. Шу билан ўқишга кирдим. У пайтлар Паркентда олий маълумотли биргина мен эдим. Ҳозир эса ўқимаган одам қолмади ҳисоб, тўғрими?

Тўқсон билан юзлашай, деб турибман. Ҳаётда кўп нарсанинг қадрини билдим. Айниқса, нонни ардоқлайман. Уруш даври курсин. У даврларни бошқа ҳеч ким кўрмайсин. Тўрт акам ҳам фронтда эди. Уларнинг 2-3 ёшлардаги фарзандлари кўлимизда қолган. Жуда оғир кунларни кўрдик. У пайтлар шакар ўрнига лавлаги қайнатиб ер, оқ нонни таниш-билиш орқалигина топиш мумкин эди. Мен холаларим билан ишлар, нон топсам, онамга илинардим. Онам эса невараларига берарди. Ҳаётда кўп қийналдик. Мана энди роҳатда яшайман. Сабрда, меҳнатда, меҳр-

оқибат ва ҳамжихатликда ҳикмат кўп экан.

«Аёллар — инсониятнинг илк мураббийларидир», деганди инглиз шоири Оливер Голдсмит. Нафиса ая билан хайрлашар эканман, ушбу иборанинг тўғрилигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Илоҳим, дунёда фарзандига тўғри йўл кўрсатиб, уларни Ватан учун, халқ учун камарбаста қилиб тарбиялайдиган мураббийлар кўпаяверсин!

**Назира БОЙМУРОВА,**  
«Оила ва жамият» муҳбири.  
Суратни муаллиф олган.

## ИНСОНИЯТНИНГ ИЛК МУРАББИЙЛАРИ

шу билан тарбия бердик, деб овунадилар. Кейинчалик эса ота-бола, она-бола ўртасида турли зиддиятлар юзга келганида, фарзандларидан гина қилиб юришади.

Яқинда, айнан кечагина она, ўғил, қиз ва куёв ўртасида кечган низога гувоҳ бўлиб, қалбим ларзага келди. Воқеа тафсилоти қисқача шундай: Она куёвини ўғирликда айблар, куёв эса, қайнонасини фарзандларини олиб қочганликда айблар, қиз «Ўзимни ўлдираман», деб маҳалла посбонларига пўписа қилар, она эса, «Сендай қизим йўқ, ўлсанг ҳам ачинмайман», деб бутун маҳаллани бошига кўтаришдан уялмасди.

Бу қутилмаган воқеа анчагача, токи Паркент туманидаги Зокир Салимов маҳалласида яшайдиган мунис бир аёл билан учрашиб, фарзанд тарбияси, оилада онанинг ўрни ҳақида дилдан суҳбат қурмагунимча хаёлимдан кетмади.

87 ёшни қаршилаган Нафиса ая Толипова Паркент туманидаги Ҳамид Олимжон номли 1-мактабда 35 йил давомида ёш авлодга таълим берди. Ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган онахон ҳали-ҳамон одамларга яхши сўз улашиб, тўғри йўлни кўрсатишда давом этмоқда.

— Тўрт қиз, уч ўғил, жами етти фарзандим бор, — дейди Нафиса ая. — Тўрт қизимниям ўқитдим. Ўғилларимнинг ҳаммаси хунарни. Ўқитувчилик, барибир яхши касб экан. Эл-юрт орасида ҳурматим баланд. Қачон қараманг, шогирдларим, маҳалладошларим келиб, ҳолимдан хабар олиб туришади. Чунки мен умр бўйи маърифат улашиб келдим-да. Оғзимдан бирон марта ёмон гап чиқмади. Турмуш ўртоғим Асом Жабборов ҳам ўқитувчи эдилар. Алгебра ва геометрия фанидан дарс берар, уни бутун Паркент ахли яхши биларди. Болала-



«опа» деб қақришарди. Меҳр-оқибат кучли эди. Турмуш ўртоғим беш йил урушда бўлиб қайтган, кўп йиллар ўқитувчилик қилди. 1993 йилда дунёдан ўтди...

Яқинда собиқ ўқувчиларим мактабни тамомлаганига қирқ йил тўлиши муносабати билан уюштирилган даврага мени ҳам тақлиф этишди. Жуда суюндим. Ёшлигим қайтиб келса, яна ўқитувчилик касбини танлаган бўлардим. Невара-эвараларимнинг саногий йўқ. Кўплигидан уларнинг исмини ёдимдан чиқариб қўяман. Ҳозир кенжа ўғлим билан яшайман. Фарзандларим, қизларим ва келин-

Тикувчилик — 3 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Хамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.  
Хамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 3 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Олий торт безатиш курси — 1 ой.  
Уйгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.  
Жаҳон таомлари — 2 ой.  
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.  
Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Тирноқ, киприк ўстириш ва дилеяция - 1 ой.  
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).  
Тўқувчилик — 3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.  
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.  
Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

**Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.  
Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЎЛЖАЛ: Юнусобод дехкон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Кўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

**Соғинч**

### ОНАСИ БОР ОДАМЛАР

Ҳар гал ана шу қўшиқни эшитсам, юрагим алланечук бўлаверади. Нега-лиги ёлғиз ўзимга аён. Икки йил бўлди онамдан айрилганимга. Лекин волидаи муҳтарамамиз (падари бузрукворимиз ҳам) биз юз ёшга кирсакда, тоғдай суянчиқ бўлар экан. Улар учун барибир бола бўлиб қоларканмиз.

Ишонасизми, бугун худойимга минг қатла шукрки, ўзим бувиман, невараларим бор, қиз узатдим, ўғил уйладим, бироқ ота-онамдан айрилгач, ёлғизланиб қолдим. Ва бирданига қариб, кексайиб қолганга ўхшайман энди. Аввалгидек бутун эмасмиз, оиланинг тўнғичи бўлиш ҳам мушкул экан. Жондай жигарларга суянч бўлмоқ осон кечмаяпти. Нега, нима учун шундай экан-а? Жавобсиз саволлар кўксимни ўртайверади.

Ҳозиргача ўйлаб ўйимга етолмайман, биз уч-тўрт боламизни зўрга эплаймизу, лекин улар эса етти фарзанднинг етмиш минг қувонч-ташвишини қандай қилиб юракларига сиздира олган экан-а? Мен англаган ҳақиқат шуки, улар дунё кўрган одамлар эди, ҳалол ризқ-насиба топмоқ улар учун яшаш қонунини эди!

Бугун бизлар ҳам уларга ўхшаб яшамоқ, меҳнат қилмоққа баҳоли қудрат уриняпмиз. Бу шарафли вазифани қай даражада эплаяпмиз, асл баҳони вақт ва... эртага изимиздан келётган ворисларимиз исботлашига ишонгим келади.

Соғинч, хотира инсониятнинг ўлмас бойлиги эканига шубҳа йўқ. Ниятим, ҳар биримиз ана шундай улуг соғинчларга суяниб яшайлик, ота-онамиз ҳаётлигида қадрлаб, дуосини олмоқ барчамизга насиб этсин.

**Дилором ШОФАЙЗИЕВА,**  
Тошкент шаҳар Миробод  
туманидаги 328-умумтаълим  
мактаби ўқитувчиси.

**Муштарий илҳоми**

### ТОШКЕНТИМ

Тошкент тош шаҳар эмас,  
Тошкент меҳрибон шаҳар.  
Меҳнати миннат эмас,  
Неъмат шаҳар — нон шаҳар.

Тошкент — дарвоза шарққа,  
Очик, ёпилмас ҳеч ҳам.  
Кетар бўлсак йироққа,  
Омон бўл, дейди, болам.

Тошкент шаҳарлар гули,  
Балки гул шаҳри эрур.  
Меҳмонга очик дили,  
Шундан иқболи кулур.

Мустақиллик нуридан,  
Яна обод бўлди у.  
Кўнглиларнинг гурури —  
Пойтахти ҳам бўлди у.

Ўн иккита дарвоза,  
Ўн иккита йўл турар.  
Ўн икки вилоятга  
Бағрини очиб турар.

Бағри осмондайин кенг,  
Улуғ ўзбекининг фахри.  
Иқбол шаҳридир Тошкент,  
Бахту саодат шаҳри.

**Ихтибар НУРМУҲАММЕДОВА,**  
Тошкент шаҳри.

## СЕЗДИРМАЙ КЕЛГАН ДАРД

Жарроҳ дугонам ва оилам билан Туниста дам олишга борганимда бирдан кўрагимда ғалати оғирликни сеза бошладим. Чўмилиш ҳавзасининг кийиниш хонасида дугонам иккаламиз кийимларимизни алмаштираётган эдик. Кўрагимга кўзи тушган дугонам, мендан "Нима бўлди?", деб сўради. Мен эса ҳазил аралаш, "Қара-я, кексайганимда кўрагим катталашяпти. Илгари унчалик билинмасди. Мана, яхшигина кўзга ташланиб қолди", деб жавоб бердим. У эса хавотирланиб: "Тезда Москвага қайтиб боришинг, тиббий кўриқдан ўтишинг керак", деди. Унинг бу гапларига парво қилмадим.

Кўрагимнинг катталашаётганини мастопатия деб тахмин қилдим. Бир куни эрталаб уйғонганимда ёстигимда қон доғларини кўрдим. Поликлиникада мени текшириб кўрган шифокор зудлик билан онкологга учрашишим кераклигини айтди. Дўхтир эса менга сездирмай келган дард туртинчи босқичга ўтганини, уч ойгина умрим қолганини айтганида нима қиларимни билмай қолдим...

## ЭРИМГА ТЕГАСАНМИ?..

Касалхонадан чиққач, бекатда ўтириб хаёлга берилибман... Энди нима қилсам экан? Ахир учта болам бор. Улар менсиз қандай кун кечирядади. Эрим 47 ёшда. Фан доктори. Мендан кейин узок ёлғиз яшай олмайди. Ўғилларим катта бўлиб қолишган. Аммо қизим Машка эндигина ўн ёшда-я... Она меҳриси у қандай ашайди? Ўйлай-ўйлай охири жарроҳ дугонам Оксананинг ҳалиям бева юргани эсимга тушди. Пазанда, ақлли, меҳрибон аёл. Ўғли Маша қизимнинг энг яқин дўсти. Агар мен ўлиб-нетиб қолсам, эрим Оксанага уйланса, болаларим қаровисиз қолмайди.

Шу ўйда автобусга ўтириб, йўлга тушдим.

Оксананинг остонасига етганимда кўзларим йиғидан шитшиб кетганди. "Сен менинг эримга тегаримдинг?" деб сўрадим уйига ҳам кирмай. "Албатта, — деди Оксана, — фақат нимага бундай деясан, шунга менга тушунтир."

Шифокор билан бўлиб ўтган суҳбатни айтиб бердим. "Анализ олмай туриб, касалликнинг қайси босқичида эканини у қаердан ҳам биларди", деб тутақиб кетди Оксана.

## ЯШАШГА КУЧ ТОПДИМ

Оксана менга ҳаммаси Игорь Анатольевич Грошевнинг телефон рақамини берди. Ёшгина ёқимтой бу йиғит мени текширгач: "Албатта, тахлил натижалари жуда яхши деб айтолмайман, аммо даволасак бўлади", деганида, беихтиёр: "Демак, ҳали яшаркамдан-да", деган савол тилланман унда. Кўнглим кўтарилди. Аммо касалхонадан чиққач, яна миямда нохуш ўйлар чарх ура бошлади:

Дарья ДОНЦОВА:

# МЕН — ҲАЁТНИ ТАНЛАДИМ!

Таниқли ёзувчи, кўплаб детектив асарлар муаллифи, россиялик Дарья Донцовани ўзбек китобхонлари ҳам яхши танийди. Бироқ бу ўткир қалам соҳибасининг оғир хасталикни бошидан кечирганини ҳамма ҳам билвермайди. Дарья Донцова саратонни енгган аёл сифатида машхур. Қуйида ёзувчининг дахшатли дард билан кураш жараёнидаги хотираларини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.



"Ўлиб қолсам нима бўлади?" Хасталигим аниқланмасидан бир ҳафта аввал уйимизнинг деразасига тўқ қизил рангли чиройли матодан парда тикиб, илгандим. Болаларим пардани очикроқ ранглисига алмаштириш тарафдори эдилар. Уларнинг айтишича, хоналар анча қоронғилашиб қолганмиш. Мен эса пардаларни алмаштирмакликка қарор қилгандим. Грошевнинг қабулидан келгач, ана шу пардаларга қараб ўйга толдим: "Вафотимдан кейин эрим бошқа аёлга уйланади ва у менинг пардаларимни олиб ташлайди".

Бошқа бир аёлнинг уйимга бекалик қилишини тасаввур этиш оғир эди. Бирдан жаҳлим чиқиб кетди. Ахир шифокорлар "Ҳали даволаса бўлади", дейишяпти-ку. Мен ҳам курашишим керак!

## "МЕНИ ЗАҲАРЛАШАЯПТИ"

Шундай хаёлга борганим рост. Кимёвий муолажалар одами беҳузур қилади. Чарчайсан. Кимё — бу заҳар. Лекин бусиз сира иложи йўқ. У "ёмон" ҳужайраларни ўлдиради. Бир сафар кулгили воқеа содир бўлди. Мен "циклофосфан" деган дорини қабул қилишим керак эди. Дўконга бориб, тувақда гул сотиб олдим. Буни қарангки, у ерда "Циклофосфан — боғдаги ке-

мирувчиларни ўлдиришга мўлжалланган заҳар", деб ёзиб қўйилганди. "Нахотки менга каламушларни ўлдирувчи заҳар беришаётган бўлса, бу жуда қизиқ-ку", деб ўйлаганман.

Кимёвий муолажалардан сўнг кўнглим айниб, нимани есам қайт қилардим. Бу ҳолат ҳатто сочимнинг тўкилиб кели-таётганини ҳис этишдан ҳам ёқимсизроқ эди. Бир куни ойнага термилиб, ўзимни ташнамай қолдим, бошимда битта ҳам соч йўқ эди. Мени кўриши билан қизим чўчиб тушди. Ўртанча ўғлим Дима бақрайиб қолди. Мен эса "Рўмол ўраб ишга бораман шекилли", деб вазиятдан чиқишга уриндим. Ўша кезларда 11 яшар бўлган Маша қаёққадир чопиб кетди ва 10 дақиқалардан сўнг парик топиб келди. Уни менга кийдираркан: "Ойижон, жуда чиройлисиз", деди. Дима ҳам: "Сиз ҳаммадан яхшисиз", деб кўнглимни кўтарди.

Иссиқ ёз. Ишга отландим. Парик дегани иссиқ шапкадек бир гап. Метрога тушдим. Ҳаво дим. Жуда хунук ялтиллаётган сифатсиз синтетик парикда ўзимни ноқулай ҳис этаман. Ҳаво етишмайди. Чидолмадим. "Хурпайган" савдосчосини юлқиб олиб, сумкамга солдим. Ёнимдагилар довдираб қолишди. Улар ўша ҳолатини бир умр эслаб юришса керак...

10 йил давомида турли гармонлар қабул қилдим. Муолажалар туфайли семира бошладим. Авваллари 45 кг. вазним бор эди. Кейинчалик 60, 72, кейин эса 82 килограммга етдим. Нимадир қилиш керак эди. Парҳез бошладим. Натижаси сезилди. Кейин эса организмим ана шу парҳезга ўрганиб қолгач, яна семира бошладим. Ширинликлар емай қўйдим. Кейин эса ёғлар, картошка, творогни ҳам "унутдим". Бора-бора фақат кўкатлару, кабачка(қовоқча)га куним қолди. Аммо ҳануз семиришда давом этардим. Жисмоний тарбия бўйича мурабийимга хасталигим ва муаммоларим ҳақида айтдим. Максим мен билан қаттиқ шугуллана бошлади. Мана, ўн йилдири, ҳамон машгулотлар давом этмоқда. Мен яна аввалгидек 45 килограмм вазнга эгаман.

Албатта, бу жараён мен учун осон кечмаган. Гоҳида супермаркетнинг ширинликлар бўлимига борардим ва чеккароққа ўтиб, биттасини есаммикан, барибир ҳеч ким кўрмайди-ку, деб ўйлардим.

Саратонга қарши муолажалар туфайли тишларимдан ҳам айрилади бошладим. Қонимдаги ўзгаришлар туфайли сунъий тиш қўйиш мумкин эмасди.

Буларнинг бари ҳали унчалик катта муаммо эмасди. Энг катта муаммо — бедаво дард билан олиша туриб, дадил яшашни удаллашимда эди. Яширмайман, менда ҳам тушкунлик ҳолатлари жуда кўп бўлган. Гоҳида уйимда у хонадан-бу хонага тирик мурдадек судралиб юрардим. Аввал кимёвий муолажалар, кейин эса гармонлар аста-секин феъл-атворимга ҳам таъсир қила бошлаганди... "Нега мен билан бундай ҳолат юз беряпти?" деган савол ич-этимни ерди.

Кейин эса тажрибали бемордек ўзимни қўлга олишим кераклигини англадим. Акс ҳолда касаллик мени адо қиларди. Мен "Нима учун?" деган саволга жавоб топдим. Бу касаллик — менинг омадим бўлса-чи! Шундай ўйладим-у, мана шу хасталик туфайли ҳаётимни тўғрилаш имкони туғилганини англадим. Шундан сўнг қувноқ ва бахтли яшашга қарор қилдим. Худди кўл-оёқларимни бошқаргандек ўз ҳиссиётларимни бошқаришни ўргандим.

## ИСТАГАН ОДАМ ЯШАЙДИ, ИСТАМАГАНЛАР ЭСА...

Жонлантириш бўлимида эркак ва аёл деган гап йўқ. Ҳаммага бемор деб қаралади. Ёнимдаги каравотда ётган эркаклар эрталаб кўзларини очишлари билан: "Ҳадемай ўлиб кетамиз. У еримиз оғри-япти, бу еримиз оғри-япти", деб нолий бошлашади. Бу нолишлар шу қадар жонимга теғдики, охири шифокорим Игор Анатольевичга шикоят қилдим. У эса турмуш ўртоғим Александр Ивановичга, «Бирор нарса ўйлаб топмасангиз бўлмайди, рафиқангиз нима биландир чалғиши керак», деб маслаҳат берибди. Александр Иванович, "Сен бир умр китоб ёзишни орзу қилгандинг", деб менга битта китоб, ручка ва қоғоз олиб келиб берди.

Ўйлаиб қолдим: «Одамлар қандай қилиб китоб ёзадилар?» Аста-секин ёза бошладим. Кейин эса ўзимни тўхтата олмай қолдим. Касалхонадан чиққанимда учта кўлэзмам тайёр эди.

Дарвоқе, ношукур беморлар ҳақида... Яқинда таниқли онколог шифокор билан суҳбатлаша туриб: "Нега баъзи одамлар саратонни енгиб, тузалиб кетишади-ю, қолганлар вафот этади?", деб сўрадим. У узун йўлакка ишора қиларкан: "Менинг бўлишимда жуда кўп беморлар ётибди, уларнинг бари вафот этади, чунки улар ўзларини ўлимга маҳкум этилган деб ҳисоблашади", деб жавоб берди.

Турмуш ўртоғим, психология фанлари доктори, профессор ва академик Александр Иванович шундай дейди: "Агар бизнинг жамиятимизда эрта вафот этиш уят саналганида эди (худди кўчада яланғоч юришдек), одамлар камида 150 йил яшаган бўларди!"

Мен саратонни енгдим. Бунда менга оилам, кучли иродам ва оддийгина ручка ёрдам берди.

Хасталикни бошидан кечираётганларга: "Менинг хасталигимни такрорламанг", дейман. Саратоннинг биринчи босқичидаёқ тиббий текширувдан ўтиш керак. Шунда 95,5 фоиз даволаш имконияти мавжуд бўлади.

Дуч келган табибнинг гапига кириб, турли керосинлар ва доривор ўсимликлар истеъмол қилиш ярамайди. Мутахассис шифокорларгина бу хасталикдан қандай муолажалар ёрдамида халос бўлишни яхши билишади. Мен саратон билан курашиш жараёнида оғир, жуда оғир йўлни босиб ўтдим. Инсон иродали бўлса, хасталикни енга оларкан. Бу дарддан азият чекаётганларга: "Чекинманг, ҳаёт учун курашнг", дегим келади.


Ольга ШАБЛИНСКАЯ  
ёзиб олган.

АиФ (34-сон, қисқартирилган ҳолда)дан Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА таржумаси.



## ЭНГ МУРАККАБ САЛОМ-АЛИКЛАР

Японларнинг салом-алик жараёнидаги таъзимни яхши биласиз. Қарангки, шу таъзимнинг ҳам уч хил даражаси мавжуд экан. Таъзимнинг «Сайкэйрэй» деб аталувчи турида киши деярли тўқсон даражагача эгилади. Уртача таъзимда ўттиз, енгил таъзимда эса ўн беш даражани бурчак остида эгилиш расм бўлган. Японлар энг кучли таъзим билан энг хурматли кишиларга салом беришар экан.



Тинч океанидаги Пасхи оролининг тубжой аҳолиси мураккаб саломлашиш одатига эга. Улар тик турган ҳолда қўлларини мушт қилиб олдинга узатишар, сўнг боши узра қўтариб, муштини ёйиб, қўлларини эркин туширишади. Бунинг иккинчи варианты ҳам бор: кафтларни бирлаштириб, пешонасига қадар кўтаришади, сўнг кафтлари билан ўз иягига уриб қўйишади.

Америкадаги баъзи ҳинду қабилаларида, агар нотаниш киши ўзи томон келатганини кўришса, ўтиришади ва ўша киши келиб, уни пайқамагунча қимир этишмайди.

Тибетликлар бош кийимини ўнг қўли билан ечиб, чап қўлини қулоғи ортига қўйишади ва тилларини чиқаришади.

Янги Гвинеядаги коир қабиласи аъзолари бир-бирининг бўйинини кашлаб қўйишади.



Янги Зеландиянинг тубжой аҳолиси бўлмиш маори қабиласининг кўришиши энг мураккаб салом-алик тури экан. Улар учрашганда, маълум бир сўзларни айтишар, сўнг кафтлари билан ўз сонларига шапиллатиб уриб, кейин бор кучи билан ер депсиниб, тиззаларини букишар ва ниҳоят кўкрагини тўлдириб нафас олиб, кўзларини айлантиришар, тагин, шунча ҳаракатлар давомида орасира тилларини ҳам чиқариб қўйишар экан.

Бу қизиқувчан одамзот салом-аликнинг яна қандай усулларини ўйлаб топаркин-а...

Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.

## СОДАЛИГИМ ҚИММАТГА ТУШДИ

Тошкент шаҳридаги туманлардан бирига қарашли ободонлаштириш марказида фаррош бўлиб ишлайман. Саккиз ойча аввал хиёбон яқинида бир аёл билан танишиб қолдим. Гап орасида уйландиган ўғлим борлигини эшитгач, «Менинг ҳам бўйи етган қизим бор, кўришишин, маъқул тушса, сиздай аёл билан куда бўлсам яхшийдим», деди. Тақдир экан-да, кўп ўтмай, Жамилахон билан куда бўлдик. Аммо келиним онасига умуман ўхшамас экан. Унинг бетгачопар, уришқоқлиги тўйдан кейин билинди. Эрталаб тонг саҳарлаб ишга чиқиб кетаман. Уйкуга тўйиб олсин деб безовта қилмай, нонуштани ҳам ўзим тайёрлайман. Ишдан сўнг уйга чарчаб қайтаман. Дастурхонга бир пиёла чой дамлаб қўймайди. Қўлидан уззукун телефон тушмайди. Ойна олдида соатлаб ўтиришини-ку қўверинг. Бир куни ўғлим билан жанжаллашгач, аразлаб кетиб қолди. Изидан борса, эрига «Алоҳида уйга кўчиб ўтсак яшайман», деб шарт қўйибди. Маҳалла-қўй, қариндошлар аралашди, барибир, қайтиб келмади. Кейин қонуний ажрашишди. Ўғлимнинг ёши 30 да. Уйим-жойим дейди, ичмайди, чекмайди, мўмин-қобил йигит. Бўлғуси келин қайси вилоятдан бўлсаям фарқи йўқ. Муҳими, яхши оилада тарбия топган, бирор касб-хунари бўлса янада яхшийдим.

ХОСИЯТ хола,  
Тошкент шаҳри.

## ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

Турмуш ўртоғим билан ота-онамизнинг хоҳиш-истағига қараб, оила курганмиз. Тўйдан сўнг яхши яшаётган эдик, лекин бир куни арзимаган сабаб туфайли ўртамизда низо қиди ва у қутилмаганда мени умуман севмаслигини, ноилождан яшаётганини юзимга очик айтса бўладим. Аввалига алам устида айтилган бу сўзларга ишонмадим, қандай қилиб бўлмасин, оилани асраб қолиш учун

## ҚАЛАМПИР

ТабиаТ — дорихона

Қалампир кўп йиллик ўсимлик бўлиб, ўзининг аччиққина таъми билан иштаҳа очувчи омил сифатида истеъмол қилинади. Шамоллаш, ревматизм, радикулит каби касалликларни даволашда ўзига хос малҳам вазифасини ўтайди.

Қалампир таркибида алкалоид, каратиноидлар, эфир мойлари, ёғ, калий, магний, фосфор тузлари, С витамини мавжуд. Унда 500 миллиграммгача аскорбин кислотаси бор. Бу ўсимликнинг икки тури бўлиб, бири сабзавот сифатида фойдаланилади, иккинчиси эса, зирavor кўринишида бўлади.

Аччиқ қалампир кукуни безгакка даво бўлувчи дори таркибига қиради. Бундан ташқари, қалампир антибактериал хусусиятга эга бўлганлиги боис ошқозон-ичак йўлининг бузилишида томчи кўринишида ичилади.

Шунингдек, қалампирли дамлама кунгабоқар мойи билан аралаштирилган ҳолда бод касаллигида оғриқ қолдирувчи восита сифатида қўлланилади.

Барчага маълумки, дорихоналарда аччиқ қалампир асосида тайёрланган ҳамда саноат миқёсида чиқариладиган «Қалампирли малҳам» («Перцовый пастирь») мавжуд. У қон юриштирувчи, оғриқ қолдирувчи хусусиятга эга.

Аччиқ қалампир толқони безгак хуружини босувчи дори таркибига киритилган. Унинг спиртли дамламаси бод ва нерв толарининг шамоллаши билан боғлиқ касалликларда терига суртиландиган мураккаб суртма таркибига қўшилган. Қалампирли суртма совуқ урган жойни даволашда яхши ёрдам беради. Унинг спиртли дамламаси соч тўкилишидан асрайди. Халқ таъбаотида қалампир толқони зарарли хашаротларни қиришда ҳам қўлланилади.

20 гр. қалампирни 200 гр. сувга солиб, паст оловда қайнатилди. Сўнгра уни сузиб, арпа уни ва кунжут ёғи қўшиб, малҳам тайёрланади. Ушбу малҳам бел оғриганда, шамоллаганда, бирор жой лат еганда ёки зирқираб оғриганда суртилса, даво бўлади.

Ушбу муолажалардан фойдаланишдан аввал мутахассислар билан маслаҳатлашинг.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

курашдим. Барибир, ўрганган кўнгили ўртанса қўймас экан. Орадани кўп вақт ўтмади, бир куни яқин дугонам эримни бозорда бегона бир аёл билан кўргангани айтиб қолди. Ўша куни кеч-қурун



рашқ ўтида ёнганим боис ҳалиги ёл ҳақида сўрадим. У тан олмади. Мен эса жад устида болаларни олиб, отамникига кетиб қолдим. Шу кунгача бирор марта йўқлаб келмади. Уйдагиларим «Ўзинг биласан, ҳар хил гап-сўзларга ишонма, яшайдиган сизларку», дейишяпти. Нима қилсам экан, деб бошим қотган, маслаҳат беринг.

МАНЗУРА,  
Гулистон шаҳри.

## МЕҲРИБОНГА МЕҲРИБОН КЕРАК

Яқинда Тошкентга даволаниш учун санаторийга борган эдим. Ўша жойда ишловчи ҳамшира аёлнинг турмуши бузилган синглиси «Бахтли бўлинг» рукни орқали бир йил билан танишиб, оила қурибди. Ёлғизлигимни эшитгач, газетга мурожаат қилишни

### ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

## Фойдали Маслаҳатлар

Дазмолдаги сарғайган доғни кетказиш учун ўша жойни намлаб, озгина ош содасидан сепинг. 5-6 дақиқадан кейин нам мато билан ишқалаб артсангиз тоза бўлади.

Байрам кечасида оддий бичимдаги либосларни кийсангиз ҳам бўлади. Фақат унга чиройли тошлардан дид билан безак бериб, шунга мос тақинчоқ тақсангиз кифоя.

А ва В витаминлари этишмаслиги бошда қазғоқ кўпайишига олиб келади. Бунинг оқибатида ҳатто сочлар буткул тўкилиб кетиши ҳам мумкин. Бунинг олдини олиш учун ўз вақтида овқатланиб, мева, сабзавот ва кўкатлардан илжи борича кўпроқ истеъмол қилинг.

Ошхона тоқчаларига лимон ёки апельсин пўстлогини қўйсангиз нохуш хидларни бартараф этади.

Деворга ёпиштирилган гулгоғозларга фарзандларингиз фломастерда турли тасвирлар чизиб ташлаган бўлса, асло ташвишланманг. Уларни пахта толали матога перекис-водород эритмаси ёки спиртни шимдириб, эҳтиёткорлик билан ишқалаб кетказиш мумкин.

Қарам қандили диабет, гипертония, жигар касалликлари ва, асосийси, қабзиятга қарши энг яхши воситадир.

Гулноза БОБОЕВА  
тайёрлади.

# АЁЛНИНГ ЮРАГИ БИТТА БЎЛАДИ

...Суякли бир шогирдим бўларди. Яқинда тасодифан кўчада учрашиб қолдик. Талабалик кезлари у кундузи ишлаб, институтнинг кечки бўлимида ўқирди. Турмушга чиқганини ҳам, боласи борлигини ҳам билардим. Ниҳоятда хозиржавоб, билимга чанқок эди. Хамма имтиҳонларни фақат аёло баҳоларга топширарди. Юзлари лўппигина, истараси иссиқ, ҳаммаша кулиб турарди.

Назаримда, қаршимдаги бу аёл билан мен бундан 25-30 йил аввал кўрган, билган аёл ўртасида еру сонча фарқ бор эди. Озиб-тўзиб кетибди. Бир вақтлар қачнаб турадиган кўзларига тикиламан. Ул шахло кўзларда қандайдир бир алам, ҳасрат яширингандек гўё. Бироз гаплашиб ўтирдик, лекин у негадир очилиб-сочилиб сўзламасди. Саволларимга қисқа-қисқа жавоб қайтарди.

— Устоз, мактабда ишлаяпман, болалар ҳам катта бўлиб қолди, — деди-ю, кўзларида ёш айланди. Мен секин елкасига қўлимни қўйиб: "Қизим, аёл киши ҳеч қачон кўз ёшини кўрсатмайди, насиб этса, бари олдинда, сабр қил", дея гап орасида турмуш ўртоғи ҳақидаям сўрадим. Базўр: "Ўрибди, тирикчилик билан банд, эрта кетиб, кеч қайтади", деб қўйди, холос.

Шундан сўнг мен билан тезгина ҳайрлашди-да, автобусга чиқиб кетди. Анчагача шу қизни унута олмадим. "Нега у мунчалар паришон? Ё қалбда қандайдир жароҳат бормикан?" деб ўз-ўзимга савол бердим.

Яқинда эса кадрдон дугоналаридан бирини учратдим-у, ҳамма сир ошкор бўлди. Унинг айтишига қара-

ганда, ҳалиги шогирдимнинг эри бундан беш-олти йил аввал қўли сал пул кўргач, босар-тусарини билмай қолибди. Шу орада гулдек аёлининг покиза туйғусини оёк ости қилиб, ен-



дил табииати бир жувонга илакишиб, хотинига муносабати ёмонлашган, бўлар-бўлмасга жанжал кўтариб, бир неча марта уни уйдан ҳайдаб ҳам юборибди. Болалари ҳам кўзига ёмон кўриниб қолгани боис уларни уриб-сўкар экан.

Бечора аёл дардини ичига ютиб, ҳатто уйдагиларига ҳам сир бой бермабди. Эрини ёмонлашга тили бормади, инсофга кириб қолар деб, ҳамон кутиб яшаётган экан...

Бу кўнгилсиз воқеани эшитиб, анча кунгача ўша тиришқок, илмга чанқок

## Ойна

талабамнинг тақдирига ачиниб юрдим. Нега шундай, ахлоқ-одобига ҳавас қилса арзийдиган оқила қизлар мутлақо ўзларига тескари кутбада, оилада ўсган йигитларга турмушга чиқади, ҳеч тушунолмаман. Бу нима, тақдир ўйиними ёки биз — ота-оналар фарзандларимиз тақдирига шу даражада безътибор бўлиб қолдикми? Ахир, тасаввур қилинг, қайси ота-она эндигина ҳаёт аталмиш улуғ оstonадан ҳатлаётган қизини кўра-била туриб, на бир касби-хунари, на ақлу фаросати бор йигитга узатади? Азалдан авлодларимиз келин ва куёвнинг етти пуштини, насл-насабини обдан суриштирган-ку! Нега бу анъана кейинги йилларда унутилиб, аксариятимиз йигит ёки қизнинг авлод-аждоди, оиласини эмас, аксинча, ҳашаматли ҳовли-жойи, машинасини суриштирадиган бўлиб қолдик. Юқоридаги каби нохуш воқеалардан нега керакли хулосалар чиқармаяпмиз? Қачонки, ўғлимиз ёки қизимиз шайнига ярашмайдиган бирор дилгир хабар, гап-сўз эшитсаккина юғуриб қоламиз. Лекин унда кеч бўлади, сўнги пушаймон эса ҳеч қачон яхшиликка етакламайди.

Аёл қалби дунёни забт этмоққа қодирлигини улуғ алломалар неча бор таъкидлашган. Азиллар, ибратли бир оиланинг суякли бувижониси, юзлаб зиёли шогирдларнинг устози сифатида айтмоқчиманки, умид билан ўстираётган қизингиз тақдирига ҳеч қачон лоқайд муносабатда бўлманг. Унутманг, аёлнинг юраги битта бўлади. Унинг меҳрибон, раҳмдил, кечиримлигини ҳеч қачон суиистеъмол қилманг.

Ойша ТЎРАЕВА,  
профессор.

## ФАРЗАНДЛИККА... СУД ОРҚАЛИ

Яқинда ўкиб қолдим, энди фарзандликка бола олиш масаласи фақат фуқаролик ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилибди. Бундан кўзланган мақсад нима, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Х. Жўраева,  
Янгийул тумани.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 28-29 март кунлари бўлиб ўтган ўн биринчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 20-боби "Фарзандликка олиш" деб номланган қисми моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 31-боб билан тўлдирilib, жорий йилнинг 30 апрелида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Бундан кўзланган асосий мақсад шуки, вояга етмаган боланинг манфаати учун суд ишни ҳар томонлама синчковлик билан чуқур ўрганади, муҳокама қилади ва қонунийликни таъминлайди. Шундай қилиб, суд томо-

нидан алоҳида иш юритиш тартибидан кўриладиган ишлар тоифасига болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар ҳам киритилди.

Фарзандликка олиш бўйича судларга қўшимча ваколатлар берилиши болалар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, фарзандликка олиш институтининг такомиллаштирилиши болаларнинг соғлом оила муҳитида вояга етишига, уларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қилади.

Саволга Оҳангарон шаҳар ФХДё бўлими мудири Садоқат САТТОРОВА ҳамда Ангрэн шаҳар ФХДё бўлими инспектори Ноила АБДУЛЛАЕВА жавоб берди.



## РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАЧ...

Гаров шартномаси қандай тасдиқланади?  
Ш. Шарипов

Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаров (ипотекага)га қўйиш тўғрисидаги битимлар бошқа шахсга ўтказилаётган ёки гаровга (ипотекага) қўйилаётган мол-мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилган тақдирдагина тасдиқланиши мумкин.

Битимларни тасдиқлашда ҳужжатларнинг ксероносухаси унинг асл нусхаси ва дубликати ўрнини боса олмайди. Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса, нотариал тасдиқланган кундан бошлаб, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганда эса у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Абдурашид ИСОҚЖОНОВ,  
Ангрэн шаҳар  
2-сонли ДНИ нотариуси.



## МЕНЬКОВНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Германиянинг Дуйсбург шаҳрида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг етмишдан зиёд мамлакатидан бир ярим минг нафардан ортиқ спортчи ўзаро куч синашди.

Нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Вадим Меньков каноэда эшак эшиш бўйича 500 метр масофалик пойгада маррага иккинчи бўлиб келиб, кумуш медални қўлга киритди.

## ИСТОМИННИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Нью-Йорк шаҳрида теннис бўйича давом этаётган "Катта дубулга" туркумига кирувчи нуфузли турнирлардан бири — АҚШ очик чемпионатида ҳамюртимиз Денис Истомин кетма-кет учинчи галабасини нишонлади.

Дунёнинг энг кучли ракетка усталари иштирокида ўтказилаётган мусобақанинг дастлабки икки босқичида рақиблари устидан зафар қучган мохир теннисчимиз учинчи учрашувда италиялик Андреас Сеппи билан куч синашди. Баҳсда Д.Истомин рақибини 6:3, 6:4, 2:6, 3:6, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Энди Денис Истомин чорак финал йўлланмаси учун ўтказиладиган навбатдаги ўйинда Лондон Олимпиадаси чемпиони, Буюк Британия вакили Энди Маррейга қарши қорта чиқади.

## ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Шри-Ланкада шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган IX Осийё чемпионатида истеъдодли шахматчиларимиз рапид — тезкор шахмат баҳсларида иккитадан олтин ва кумуш медални қўлга киритди.

Рапид — тезкор шахмат бўйича ўн бир ёшгача бўлган қизлар мусобақасида иштирок этган Дилбар Ҳамроева барча рақибларини мағлубиятга учратиб, мезбонлар вакиласи Сасика Гоюми билан дуранг ўйнади ва жами 6,5 очко билан биринчи ўринни эгаллади. 11 ёшгача ўғил болалар баҳсида мағлубиятсиз ўйнаган Шамсиддин Воҳидов етти имкониятдан олти очко жамғариб, Осийё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Ортиқ Неъматов ва Ҳожиакбар Фозилжонов терма жамоамиз ҳисобида биттадан кумуш медал келтирди.

Швейцарча усулда тўққиз турдан иборат классик шахмат бўйича дастлабки икки тур натижасига кўра, Ҳожиакбар Фозилжонов, Шамсиддин Воҳидов ва Ортиқ Неъматов ўз ёш тоифалари бўйича пешқадамлик қилмоқда.

Интернет манбалари асосида  
И. ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: ollavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:  
Норқожи ЯЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА  
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусаҳҳилчи — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темурут кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г — 928. Формати А3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6818. Баҳо-си келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46